ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

# БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ НАРХЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давлат эҳтиёжлари учун бошоқли дон экинларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва давлат эҳтиёжлари учун сотишни кучайтириш, минтақавий ҳамда жаҳон бозорларида вужудга келган дон нархлари конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда нархларни шакллантиришнинг бозор тамойилларига тўлиқ ўтиш, дон ишлаб чиқарувчилар билан тайёрловчилар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб тизимини тубдан соддалаштириш ва ошкоралигини ошириш, шунингдек, дон ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2008 йил ҳосилидан бошлаб дон экувчи хўжаликлар билан тузиладиган контрактация шартномалари бўйича давлат эҳтиёжлари учун дон харид қилиш келишилган ягона харид нархлари бўйича амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» компаниясининг жаҳон ҳамда минтақавий бозорларида вужудга келган дон нархлари конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда 2008 йил ҳосилининг 3 классли юмшоқ буғдойига ҳар тоннаси учун 169 000 сўм миқдорида базавий ягона харид нархини белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. Белгилансинки,

2008 йил ҳосили учун контрактация шартномаларида назарда тутилган дон экувчи хўжаликлар томонидан давлат эҳтиёжлари учун сотилган ортиқча дон ҳажмлари учун ягона харид нархларидан 10 фоиз ортиқ нархлар бўйича тўлов амалга оширилади;

*Олдинги таҳририга қаранг.*

*(3-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 сентябрдаги ПҚ-1404-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган — Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 й., 9-сон, 377-модда)*

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларига бошоқли дон экинлари сифат кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда ягона харид нархлари ва ҳисоб-китоблар тартибидан хабардор қилсин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2002 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 19 январдаги 27-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 22 майдаги 170-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бошоқли дон экинларини харид қилиш нархларини шакллантириш тартиби тўғрисида» 2003 йил 15 майдаги 216-33-сонли қарорининг 3-банди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 13 сентябрдаги ПҚ-693-сонли Қарорининг 3-банди учинчи хатбоши ва Қарорнинг 5-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2008 йил 15 май,
ПҚ-867-сон

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 й., 5-сон, 268-модда; 2010 й., 9-сон, 377-модда)*